

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

ҲАМДЎСТЛИК: ИСЛОҲОТ — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 28 ноябрь кун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг Беларусь пойтахти Минск шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида иштирок этди.

Сўнги вақтларда МДХнинг тақдирини ҳақида турли фикрлар билдирилди. Айримлар унинг пароканда бўлиб бораётганидан ташвиш чекса, баъзилар Ҳамдўстлик ўз салоҳиятини тўла ишга солгани йўқ, шундай қилса, унинг истиқболга ишончи билан қараш мумкин, деган фикрда. Шунинг учун ҳам Ҳамдўстликни замон талаблари нуктаи назардан ислох қилиш долзарб бўлиб турибди.

Табиғий, МДХга аъзо ҳар бир давлат ўз миллий манфаатларини қўзлаб иш тутди, қўрилаганди масалаларга шу нуктаи назардан ёндашди. Бундай шароитда барчага бирдек маъқул бўладиган қарорларни қабул қилиш осон эмас, албатта.

Лекин МДХнинг муҳим ҳаётини аҳамиятга молик жи-

ҳатларини эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Масалан, транспорт коммуникациялари, энергетика тармоқлари, савдо-сотик аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан саналади.

21 декабрь кун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил тоналганга 15 йил тўлади. Лекин Минск саммити фалат бўлиб ўтгани билан ўтказилгани йўқ. Ҳамдўстликни ислох қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш масаласи анчадан буён баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Эътироф этиш керакки, МДХ ўтган даврда муайян муваффақиятлар келтирди. Аъзо давлатларнинг суверенитети кафолатланиб, мустақиллиги мустаҳкамланди, қўл тоналма самарали ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳуқуқий замин яратилди. Лекин, шу билан бирга, МДХни тузиш чоғида белгиланган қўзлаб мақсадлар ҳаётида унинг амалий ифодасини топагани йўқ.

МДХга аъзо мамлакатлар раҳбарлари 28 ноябрь кун Беларусь Республикасининг

Миллий кутубхонаси биносига йиғилдилар. Саммит қатнашчилари асосий эътиборни махсус экспертлар гуруҳи тайёрлаган МДХ самарадорлигини ошириш ва Ҳамдўстликни ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги ҳисобот муҳокамасига қаратдилар. Бошқача айтганда, бу Ҳамдўстликни ислох қилиш тўғрисидаги ҳужжатдир. Президентлар турли ёндашувларни кўриб чиқиб, нуктаи назарларни ўзаро мувофиқлаштириш юзасидан фикр алмашдилар. Хусусан, гуманитар ва иқтисодий соҳадаги алоқалар, хавфсизлик ҳамда турли таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашдаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Давлат раҳбарлари МДХ мамлакатларининг гуманитар ҳамкорлик бўйича кенгаши тўғрисидаги битим, ноқонуний муҳожириликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш тўғрисидаги баёнот, Эркин савдо зонасининг тўлақонли фаолиятини таъминлаш ва ўзаро савдода махсус (химоя) чораларини

қўллаш механизми тўғрисидаги аниқлаш мемурандуми каби қатор ҳужжатларнинг лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Давлат раҳбарлари кенгашига МДХ мамлакатларининг иқтисодий соҳадаги ҳамкорлигини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш бўйича 2003-2010 йилларга мўлжалланган дастур ижросининг бориши, Аҳборотлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик стратегияси ва 2010 йилгача ушбу стратегияни ҳаётга татбиқ этиш режаси, Москвадаги Бутунроссия кўргазмалар маркази негизда Ҳамдўстлик мамлакатларининг доимий ишловчи кўргазмаларини ташкил этиш тўғрисида 2002 йил 7 октябрда қабул қилинган қарор ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар тақдим этилди.

Албатта, МДХнинг имкониятлари катта. Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда Ҳамдўстлик мамлакатлари иқтисодий ўсиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Аҳолиси қарийб 300 миллион ташкил қиладиган улкан минтақани қамровчи бу тузилманинг жаҳон саноат

ишлаб чиқаришидаги улуғлиги 10 фоизни, табиий бойликларнинг асосий турлари захиралари бўйича 25 фоизни ташкил қилади. Бу омиллар ҳамкорлик учун яхши замин бўлиб, ундан самарали фойдаланиш йўлга қўйилса, Ҳамдўстликнинг салоҳияти янада ошади. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг МДХ доирасида Эркин савдо зонаси барпо этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш келиши ҳам шундан. Зеро, мустақам иқтисодий ҳамкорлик негизига қурилган алоқалар давлатлар ўртасида ўзаро ишончининг мустаҳкамлашига хизмат қилади. Бундай муносабатлар ўзаро манфаатдорликка асосланган бўлиши алоҳида аҳамият касб қилади.

Шу билан бирга, Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳамфикр бўлиб қарор қабул қилганда, аҳоли аъзо давлатлар учун юзага келадиган муаммоларни ҳамжихатлик билан ечиш имконини яратади.

Анвар БОБОВЕВ,
Ўза махсус мухбири,
Тошкент-Минск-Тошкент.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати саккизинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси 2006 йил 30 ноябрь кун соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 29 ноябрь кун соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

МАКТАБДА ХУНАРМАНДИК КУРСЛАРИ

Бўқа туманидаги 2-умумтаълим мактабининг асосий ва қўшимча биналари ўқув йили олдиндан тўлиқ реконструкция қилиниб, таъмирланган, бу ерда турли ёшдаги ўқувчилар учун бичиш-тиқиш, уймакорлик, пазандалик ва каштачилик курслари очилди.

Малакали касб эгалари раҳбарлигидаги мазкур тўғрарларда хунари фаолиятини ўқувчиларга ўқитишга қарор қилинди. Саммит якуни бўйича ўтказилган матбуот анжуманида қўриб чиқилган масалалар юзасидан журналистларга батафсил ахборот берилди. Минскка ташрифи чоғида Президент Ислам Каримов ўзи жойлашган қароргоҳда Украина Президенти Виктор Ющенко билан учрашди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболларига оид масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳожама қилинди.

Мунаввара ИСОКУЛОВА.

КЎРКАМ ВА ЗАМОНАВИЙ

Олмалик шаҳридаги Тиббиёт коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Муқаддам Маиший касб-хунари коллежи жойлашган мазкур бино Охангарондаги «Бинокор» масъулияти чекланган жамият қурувчилари томонидан реконструкция қилинди. Қурилиш-монтаж ишларига республика бюджетидан 1 миллиард 800 миллион сўм маблағ ажратилди.

Мунаввара РАЖАБОВ қизи.

МУҲИМ УЧРАШУВ

Паркент туман ҳокимлигида халқаро ОИТСга қарши кураш кунига бағишлаб тадбир ўтказилди.

Туман Саломатлик маркази ҳамда марказий шифона ходимлари ҳамкорлигидаги учрашувда 100 дан зиёд ўсим ва маҳалла фаоллари иштирок этди. Интилганлар мутасадди ходимларнинг маърузаларини тинглаб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Мўмин ИБОДОВ.

ДАВРА СУҲБАТЛАРИ

Ўртачирчиқ туман воёга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг прокуратура, ички ишлар бўлими, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бўлиmlари билан ҳамкорликда мунтазам ўтказиб келаётган давра суҳбатлари қамрови тобора кенгайиб бормоқда.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гийҳвандлик, ОИТСга қарши тарғиботни кучайтириш ҳамда уларнинг халқаро терроризм, экстремизм, турли оқимлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш, воёга етмаган ўсимларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан белгиланган навабдаги давра суҳбати 48-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда 1-,

4-, 25-, 26-, 48-умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари иштирок этишди. Прокуратура ходимлари, нарколог-шифокорлар долзарб мавзуларда маърузалар қилдилар. Шунингдек, 8-декабрь — Конституция куни олдиндан қизғин савол-жавоблар бўлди.

Зилола ФОЗИЛОВА,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси.

ҚУРУЛТОЙ ҚАТНАШЧИЛАРИ ПОЙТАХТДА

Ёшлар — мамлакатимизнинг эртанги кунини, умиди ва ишончини. Юртимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб воёга етиши, таълим-тарбия олиши, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидандир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 10 октябрда қабул қилган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш ҳақидаги қарори ёшларимизга берилаётган катта эътиборнинг яна бир далилидир. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида ушбу ҳаракат фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни аввало ёшларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қодир ташкилотга айлан-тириш масаласи долзарб аҳамиятга эга. «Камолот» фаолиятини чуқур таҳлил қилиб, танқидий баҳо бериш, мамлакатимиз ёшлари олдига турган муҳим ва устувор вазифаларини ҳал этиш масаласи — мазкур ҳаракатнинг навабдаги қурултойи кун тартибидан жой олган.

Ёшларимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — ушбу тадбирнинг олти юздан зиёд қатнашчиси истиқлол йилларида пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Бу орқали мамлакатимизда маънавий-маърифий, ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар, халқимизнинг яратувчанлик салоҳияти самаралари билан атрафлича танишиш имконига эга бўлдилар.

Қурултой қатнашчилари пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини зиёрат этдилар. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан барпо этилган ушбу мажмуа Ватанимиз истиқлоли йўлида жонини фидо этган, аммо бугунги ёруғ кунларга етолмаган ота-боболаримиз хотирасига ҳурмат-эътиромнинг ёрқин намунаси бўлди. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилиш асносида шу нарсани яна бир бор англаб етдимки, биз аждодларимиз орзу қилган, бироқ ўзлари қўрқолмаган бугунги мунаввар кунларнинг, мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган улкан имкониятларнинг, кўрсатилаётган ғамхўрликнинг қадрига етмоғимиз даркор. — дейди Самарқанд вилояти Нарпай тумани Оқтош миллий хунари-

мандик касб-хунари коллежи ўқувчиси Шароф Пардаев. — Аини пайтда биз, ёшларга кўрсатилаётган бундай юксак эътиборга аъло ўқшимиз, Ватанимиз тараққиёти йўлидаги муносиб меҳнатимиз билан жавоб бермоғимиз зарур. «Камолот»нинг навабдаги қурултойига йиғилишимиздан мақсад ҳам бу борадаги вазифаларимизни аниқ белгилаб олишдан иборатдир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қайтадан бунёд этилган «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси пойтахтимизнинг энг файзли гўшаларидан бирига айланган. Бу ерда жаҳон андозалари даражасида барпо этилган талаба тураржойлари, поликлиника, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, кутубхона ва бошқа маънавий-маърифий масканлар йиғит-қизларнинг пухта ва тўлақонли билим олиши, яшashi, саломатлигини мустаҳкамлашига хизмат қилаётди.

«Ёшлик»да кўрганларимиз — талабалар учун яратилган қулайлик, имконият ва ғамхўрликлар юртимизда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагини ўйлаб амалга оширилаётган улкан ишларга ёрқин мисолдир, — дейди термизлик Муборак Эшполвонова.

Темурийлар тарихи давлат музейида бўлган қурултой делегатлари бой тарихимизни, маънавийтимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва халқимиз, айниса ёш авлодга етказиш борасидаги эзгу ишлар билан яқиндан танишдилар. Темурийлар тарихи давлат музейидан олган таассуротларим бир умр ёдимда қолади, — дейди нукуслик Абай Ақилев. — Нукусга борган, қурултой кунлари пойтахтимизда кўрган-билганларимни ҳамкасбларим, талабалар ва тендошларимга сўзлаб бераман.

Қурултой қатнашчилари пойтахтимиздаги Болалар иходиёти уйи, бир қатор олий ўқув юртилари, мактаблар, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, тиббиёт масканлари, музейлар, санъат қошоналарини ҳам бориб кўрдилар. Назолат УСМОНОВА,
Баҳор ХИДИРОВА,
Ўза мухбирлари.

Ғалла



БУҒДОЙ ҚАЛИН ТУПЛАДИ

Бугун фермерлик ҳаракати ва бу истиқболли мулкчилик шаклини бутун чоралар билан ривожлантириш, моддий-техник базасини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш қишлоқ хўжалигида изчил амалга оширилаётган туб ташкилий ва иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналиши эканлигини истаган қадимлар билан исботлаш мумкин.

Яратиб берилаётган ҳуқуқий-амалий имконият ва имтиёزلардан оқилона фойдаланаётган фермерлар навабдагидек етакчи тармоқлари бўлган пах-

оқламай қўйган ширкат хўжаликларини тугатиб, улар негизда мустақил фермер хўжаликларини ташкил этиш энг мақбул йўл эканлигини амалда кўрсатмоқдалар.

Бунди Оққўрғон туманидаги ўнлаб фермерлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бир пайтлар вилоятда энг йирик «Оққўрғон» хўжалиги кейинги йилларда пурдан кетиб, режалар сурункали бар-

бод бўла бошлади. Вазиятни ўнглаш мақсадида хўжаликнинг экин майдонлари тендерда ютиб чиққан салоҳиятли фермерларга бўлиб берилган, аҳоли бутунлай ўзгарди. Ҳосилдорлик кўтарилди, шартнома мажбуриятларининг барбод бўлиши барҳам топди.

Ҳозир аксарият фермерлар ғалладан 50 центнердан ошириб ҳосил олмақдалар. Музаффар Ўсаров, Дусеңбой Абдуҷаббаров ҳам ана шундай тажрибали фермерлардан. Улар бу йил шартномани 110 фоиздан ошириб бажаришдан ташқари аъзоларга ҳам меҳнатларига яраша ғалла тарқатишди.

Аини кунларда М. Ўсаров бошлиқ «Суннат» фермер хўжалиги 34 гектар, Д. Абдуҷаббаров раҳбарлигидаги «Нишонбой-Қипчоқ» фермер хўжалиги эса 18,5 гектар майдонда ғалла парваришламоқда. Вақтида озиклантириб, сувга қондирилган ғалла тўлиқ ва қалин туплади. Бу эса келгуси йилдаги салмоқли хирмонга пухта заминдир.

СУРАТДА: (чапдан) фермерлар М. Ўсаров, Д. Абдуҷаббаров ва ички Э. Авазовнинг буғдой ривожидан кўнгиллари тўқ.

Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

Обуна — 2007

— Обуна — 2007 кампанияси сизларни чарчатиб қўймаптими?

— Нега чарчар эканмиз, ҳар йили қиладиган ишимиз бу. Ходимларимиз бир ёқадан бош чиқариб ишлаши ҳисобига, қийинчилик ва муаммолар йўқ.

Бевосита, обуна масаласига келсак, ҳар ҳафта икки марта марказий бўлимда йиғилиш ўтказиб, обуна жонлантириш бўйича нима-ларга эътибор бериш лозим, халқчилардан нима талаб қилинади, яна қандай қўшимча чора-тадбирларни қўллаш мумкин каби саволлар ўртага ташланапти. Бундан ташқари, жойларда, бевосита хонадонларда тарғибот-ташвиқот ишлари, суҳбатлар ўтказилапти.

Шу орқали муштарийларга обунанинг аҳамиятини хусусидан фикр-мулоҳазалар етказиламоқда. Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ҳамда муассасалар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Уйлаيمان-ки, бу йилги обуна ҳар қачонгидан ҳам кўнгулдангидек аяқланади.

— Хўп, обуна сиз айтганча, кўнгулдангидек аяқланади, дей-

ИШТИЁҚ БОР, ИМКОНИЯТ МЎЛ

Айтилди, бироқ манзилга хат-хабар жўнат-моқчимиз. Ёки нафақа оладиган кунингиз яқин. Устига-устак коммунал хизматлар ҳақини ҳам кечиктирмай тўлашингиз керак. Ёхуд доимий ўқиб борадиган газетангизга обуна бўлиш учун оз фурсат қолган. Бу вақтларда почта алоқа тармоғи ходимлари сизга ёрдамга келишади. Бу-

гунги кунда почта алоқа тармоғи бўлими қандай фаолият юритяпти? Улар хизматидан аҳоли қони-қаяптими? Тизим фаолиятини янада ривожлантириш учун нима қилмоқ керак? Шу каби саволлар доирасида фикр юритиш истагида Паркент тумани почта алоқа тармоғи бошлиғи Дилшод Хайталиевни суҳбатга тортидик.

абонент тўғри келади. Улардан газета-журналларни ва нафақа пулларини етказишлари, ҳам коммунал тўловларни йиғишлари талаб этилади. Шу сабабдан ходимларимиз ўзларидан катта масъулиятни ҳис этишади.

— Республика микёсида 2010 йилгача почта алоқа тармоғини тубдан яхшилаш, замонавий хизмат турларини ташкил этиш бўйича Дастур қабул қилинган. Бунинг илк самарасини нима нарда кўриш мумкин?

— Ушбу дастур белгиланган вазифалари, қўзлаган мақсадлари билан аҳамиятлидир. Бизнинг бўлимда ҳам дастур бандларини амалга оширишга кириштилмоқда. Энг аввало, иккита компьютер келтирилди. Энди ҳужжатлар сифатли, тез ҳамда қулай шароитда расмийлаштирилади. 8 нафар хабарчимиз эса велосипед билан таъ-

2007 йил учун обуна давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси — 205.

Чирчиқдаги «Электримёсаноат» корхонаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 13 мартдаги қарори асосида очик акциядорлик жамиятига айлантирилди. Мулк шаклининг ўзгартирилиши, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган кўламли чора-тадбирлар мамлакатимиз деҳқонларига хилма хил минерал ўғитлар етказиб берувчи бу меҳнат жамоаси ғайрат-ташаббусини кучайтириб юборди. Корхона бошқаруви ва касабаси кўмитасининг ижтимоий шерикчилик асосидаги яқин ҳамкорлиги эса ишчи ва хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтириб, ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожлантиришда қудратли омил бўлмоқда. Қуйидаги саҳифа материаллари ана шу ҳамкорлик самараларига бағишланади.

● Сўнгги беш йил мобайнида «Электримёсаноат» очик акциядорлик жамиятида ўртача иш ҳақи ўн баробардан зиёд ошди. У ҳозирги пайтда 250 минг сўмга тўғри келмоқда.
● Билим савияси ва тажрибасига, меҳнатларининг самарасига қараб, ходимларга устамалар

тўланмоқда. Қўшимча ҳақ ойлик маошнинг 50 фоизига етмоқда.
● Сўнгги беш йил мобайнида 15 мингга яқин ишчи-хизматчи мамлакатнинг йирик санаторийлари, корхонанинг ўз соғломлаштириш маркази ва «Оқтош» пансионатида дам олдирилиб, соғломлаштирилди.
● Корхона маъмурияти ва касабаси кўмитаси ишчи-хизматчилар ва уларнинг болаларини ёзги мавсумда Оқтошдаги оромгоҳда дам олдириб, соғломлаштириш мақсадларига 161 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлади.

Дам олириш ва соғломлаштириш

ҒАМХЎРЛИККА ЯРАША МУНОСАБАТ

Ходимларни дам олдириш ва соғломлаштиришни яхшилаб бориш жамоа шартномасининг муҳим талабларидан биридир. Бунинг учун корхонамиз раҳбарияти ва касабаси кўмитамиз маблағни ҳам моддий ресурсларни ҳам аямаётир. Аксинча, ижтимоий инфратузилмани сақлаб қолиш ва кенгайтириб бориш ҳаммашиқатли дикқат марказида бўлиб келмоқда.

Ўтган йилнинг бошларида санаторий-профилакториймиз қайта ташкил этилиб, Соғломлаштириш марказига айлантирилди. Корхона томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига фаолият юрита бошланди.

Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, фақатгина тўққиз ойда Соғломлаштириш маркази учун 307 миллион 359 минг сўм маблағ ажратди. Унинг 250 миллион сўмга яқини муассасамиз бинолари тўдан таъмирлаш мақсадларига сарфланди. Маънавий доволаш ускуналари, мебеллар олди. Хоналарга «киш-ёз» кондиционерлари ўрнатилди. Соғломлаштириш маркази учун лаборатория ускуналари олишнинг ўзига 18 миллион сўм сарфланмоқда. Муассасамизда бирийўла

75 дам олувчи ўз соғлигини тиклайди. Йулланманинг баҳоси 173 минг сўм бўлган ҳолда, корхонамиз ишчи-хизматчилари фақат 35 минг сўм тўлашади. Қолган харажатлари корхона маъмурияти қоплайди.

Эндиликда «ЭКГ», ички аъзоларни текшириш ва бошқа замонавий ускуналар доволашни юқори даражада, самарали йўлга қўйиш имкониятини бераётир. Шифокорларимиз физиотерапия доволаш ускуналари ва воситаларидан оқилона фодаланяётир. Парафин воситасида соғломлаштириш турли доволаш ванналари кимёгарларимизнинг соғликларини тиклашга ёрдам берапти.

Насим ЗУФАРОВ.
Соғломлаштириш марказининг бош шифокори.

Тажриба ва ташаббус

Мустиқиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, янги-чак иқтисодий муносабатлар давр руҳини чуқур англаб, унга ҳозиржавоб бўлиб ишлашга, ҳамма соҳаларда ташаббускорлик кўрсатишга кенг имкониятлар очмоқда. Улардан уринли фойдаланиш, мавжуд имкониятларни ҳар жиҳатдан ишга солиш эса, мулкчилик туридан қатъи назар, меҳнат жамоаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлидаги муҳим омил бўлиб чиқаётир.

Меҳнатқашларнинг асосий жамоат ташкилотлари — касабаси уюшмалари билан иш берувчиларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнатни оқилона ташкил этиш, иш шартлоларини яхшилаб бориш, ходимларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш йўналишларидаги ижтимоий шерикчилик мамлакатимиз қонунларида белгиланган ана шундай имкониятларнинг биридир. Кейинги йилларда бизда корхона маъмурияти билан касабаси кўмитасининг бу ҳамкорлиги кучайиб, янгиланаётган жамиятимизда қарор топаётган демократик таъминлар бу жараёнда белгиланган йўналишларни қўллаётир.

Бу, аввало, жамоа шартномасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида намоён бўлаяпти. Ҳозир корхонамизда 2004-2007 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси амал

қилаётир. Уни меҳнат жамоалари вакилларининг конференцияси 2004 йилнинг 28 февралда қабул қилган. Ўтган мuddатда унга икки марта ижтимоий муҳофазани кучайтиришга қаратил-

спорт-соғломлаштириш ишларининг жамоада маънавий муҳитни соғломлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришни барқарор тус олдиришдаги

саба кўмитасининг ижтимоий шерикчилик асосидаги ҳамкорлиги эса, бу қонунга оғишмай амал қилинишни таъминламоқда.
Мисолларга муружаат қилайлик. Корхонамизда

ши корхона ишлаб чиқаришнинг самарадорлик даражаси билан белгиланади. Шунинг ҳисобига олиб, касабаси кўмитаси меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилган янги-янги ташаббуслар

Чунончи, бу йил кимёгарлар кунинда самарали меҳнат ва жамоат ишларида фаол қатнашганига учун чилангар Билбос Едилбоев, аппаратчи Клара Ермолаева, машинист Рустам Акмалов, электромонтёр Екатерина Борисенко, ҳайдовчи Евгений Сим, маданият саройининг бадиий раҳбари Лариса Ёгай сингари 69 ходимга ташаккурнома эълон қилинди. Уларнинг ҳар бири Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки баробари микдорда пул мукофоти олишди. Меҳнатдаги юксак натижалари билан жамоада обрў-эътибор толган 47 ишчи-хизматчининг суратлари эса, Хурмат хиббонига жойлаштирилди. Бундай шарафга эга бўлган ходимларимиз келгуси қасб байрамига жамоа шартномасида белгиланган тартибда ой сайин энг кам иш ҳақи микдорда мукофот олиб борадилар. Ёшларни тарбиялаш, малакали ходимларни тайёрлашга қўшган ҳиссалари учун 55 ишчи-хизматчи ёшлар мураббийси фахрий унвони, меҳнатга ижодий муносабати учун 55 ишчига ўз касбининг устаси, 18 ходимга корхонанинг энг яхши мутахассиси, 42 кишига моҳир ёш ишчи фахрий унвонлари берилиб, пул мукофотлари топширилди. Бундан ташқари, корхонамизда касблар бўйича кўриктанловлар ўтказиш яхши аънамага айланди.

Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ,
«Электримёсаноат» очик акциядорлик жамияти касабаси кўмитаси раиси.

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ - ҚОНУНИЙ ҲУЖЖАТ

ган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Амалдаги жамоа шартномасининг лойиҳаси касабаси кўмитасининг махсус комиссияси томонидан тайёрланган, корхона маъмуриятига тақдим этилди. Корхонанинг бошқаруви-ҳўжалик тизимларида мутахассислар уни атрофида ўрганиб чиқишга, касабаси кўмитаси билан раҳбарият вакиллари иштирокидаги икки томонлама комиссияда кўриб чиқилди. Шу жараёнда ижтимоий ҳимояни кучайтириш — инсон манфаатларини қондириш ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожлантиришда қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлиги маъмурият томонидан нечоғлик чуқур англаб етилганини кўрсатувчи бир воқеа юз берди. Жамоа шартномасида маъмурият корхона иш ҳақининг 1 фоизи микдордаги маблағни касабаси кўмитасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиб бериши кўзда тутилган эди. Оммавий-маданий тадбирлар, маънавий тарбия,


ўрни ва аҳамиятини англаб етган раҳбарият бу маблағни иш ҳақи фонднинг 10 фоизигача кўтаришга рози бўлди.

Ҳамма нарса — инсон учун! Бу — шунчаки широк эмас, балки корхонамизда оғишмай амал қилинадиган қонун. Раҳбарият билан ка-

ишловчиларнинг 40 фоизи аёллар. Жамоа шартномасига биноан улар бир қатор имтиёزلарга эга. Хотин-қизлар байрами кунинда уларга 11 миллион сўмликдан зиёд совға-салом тарқатилди.

Ҳар бир ишловчи, унинг оила аъзоларининг моддий, маданий ва маънавий турму-

билан чиқмоқда. Шундай саъй-ҳаракатларимизнинг бири ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўлиналари — меҳнат жамоалари, касблар бўйича мусобақаларни ташкил этишда намоён бўлмоқда. Унинг ақуларни кўриб чиқилиб, гоилиблар алоҳида рағбатлантирилади.



Касбим - фахрим



АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАПТИ

Янгича ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шароитида ишчи касбларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Бунинг учун меҳнат фаолиятимиз мобайнида кўриб, қузатиб, қониқиш ҳосил қилиб юрибмиз.

Корхонамизга кираверишда Хурмат хиббони ташкил этилган. Унга ўз касбининг усталари бўлган ходимларимизнинг фотосуратлари қўйилган. Ишга бораётиб, лицей, мактаб ёки коллеж ўқувчиларининг давраларига кўзим тушади, уларнинг ҳаёт, касб, меҳнат ҳақидаги қизиқ мунозаралари кулгимга чалинади. Шундай эҳтиромга сазовор бўлган ҳамкасбларим, жонажон корхонам билан фахрланш тўғриси бутун вужудимни қамраб олади, ўзимни бахтиёр ҳис этаман.

Биз кишлоқ ҳўжалик экинлари ҳосилдорлигини кўтаришда муҳим омил бўлган турли минерал ўғитлар, шунингдек, кенг истеъмол бўюмлари ишлаб чиқармоқдамиз. Уларнинг сифатини яхшилаб бориш, ҳам ашё ва қувватлардан оқилона фойдаланиш, барча ишлаб чиқариш бўғинларида усталар ва шогирдлар ҳаракатини кенгайтириш, касбий малакани оширишга қаратилган ўқув машғулотларини ташкил этиш ҳамда ўз касбининг усталари тажрибасини омимлаштириш масалалари доимий диққат-эътиборда.

Асосий ишлаб чиқариш цехларимизда ёшларнинг касб маҳоратини ошириш, малакали ёш ишчиларни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган усталар кўп. Хикмат Алматов, Григорий Дронин, Татьяна Клепарова, Ермолов Жумалиев сингари ёшлар мураббийлари шулар жумласидандир. Улар янги ишга келган йигит-қиз-

ларни меҳнат жамоасининг кўпийлик бой аънавалари, Ўзбекистон халқлари байналминал оиласининг маънавий қадриятлари руҳида тарбиялашга кўп куч ва вақт сарфламоқдалар.

Турли соҳалар бўйича ўз касбининг усталари кўриктанловларини ўтказиш ҳам яхши самара бераётир. Одатда бундай кўриктанловлар бир неча босқичда ўтказилади, кенг тарғиб қилинади. Маъмурият ва касабаси кўмитаси иштирокчилар ҳамма гоилиблар учун турли совринлар, пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар ажратлади.

Чунончи, сўнгги кўриктанловнинг ақуловчи босқичида фақат токар ва электр-газ пайвандчи гоилибларни тақдирлаш мақсадларига маъмурият билан касабаси кўмитаси томонидан 388 минг сўмлик қимматбаҳо бўюмлар олинди.

Мен кўп йиллардан буён пайвандчи бўлиб ишлайман. Сўнгги кўриктанловнинг яқиний босқичида иштирок этиб, «Энг яхши пайвандчи» унвонига сазовор бўлдим. Аммиак цехларимизда Сакен Жундибоев, Марс Ким, Фарход Рустамов, Алфия Абитаева сингари ўз касбининг усталари бўлган аппаратчи, оператор, чилангар ва раҳбар ходимлар унумли меҳнат қилиб, махсуслол ҳажинини кўпайтириш, сифатини яхшилашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Виктор ТКАЧЕНКО,
1-аммиак ишлаб чиқариши пайвандчиси.

КАСАБА-УЮШМАЛАРИ ВА ДАВР

● «ЭК» очик акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўлиналарида 48 та цех касабаси кўмитаси иш олиб бораётир.

● Турли кадрларни тайёрлаш, қайта ўқитиб, малакасини ошириш мақсадларига корхона 5

миллион сўм маблағ сарфлади.

● Тўққиз ойда 3486 ишчи-хизматчи қисқа мuddатли касбий ва

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР
иқтисодий-ҳуқуқий ўқув машғулотларига жалб қилинди.

● Цехларда касблар бўйича кўриктанловлар, кўнгилолар тадбирлар ва спартакиадалар ўтказиш аънамага айланган.

● Ишчи-хизматчиларни парҳез таомлар билан таъминлаш учун ҳозиргача 60 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Фаоллар ҳақида ҳикоялар

«НАДЕЖДА - БИЗНИНГ ЕТАКЧИМИЗ!»

«Электримёсаноат» очик акциядорлик жамияти ремонт-механика ишлаб чиқариши ишчи-хизматчилари термист Надежда Ивановна Пузикова ҳақида фахр билан шундай дейишади.

Бу тиниб-тинчимас, қатъиятли ва ташаббускор аёлга чекиз хурматнинг натижаси, албатта. Шу боис меҳнат жамоаси аъзолари иккинчи мuddатда ҳам унга ишонч билдириб, цех касабаси кўмитаси расолигига сайлашди. Каттаоқ кичик ўз қувони, ғам-ташвишларини у билан очик-ойдин фикрлашаваради. Надежда Ивановна ҳам ҳаммиша суҳбатдошининг қувончларига шерик бўлади. Бирор киши ҳаётида юз бераётган ташвишли воқеа-ҳодисалар билан ўртоқлашар, ундан фойдала маънаватлар, тегишлича амалий ёрдам олади. Шу боис иш ёки дам олиш вақти демай, одамлар унга муружаат қилаверишади, Надежда Ивановна уларни ҳеч қачон ноумид қолдирмайди.

Мана ўттиз икки йилки, шу корхонада ишлайман, — дейди Надежда Ивановна. — Дастлаб лабораторияга қабул қилишди. Ремонт-механика цехига ўтиб, бевосита ишлаб чиқаришда меҳнат қила бошлаганимга ҳам йигирма йилдан ошди. Инсофли, ориятли устозлардан ишчи касбларини ўргандим...

— Касабаси ташкилотига қандай келиб қолдингиз?
— Ҳеч қачон ўзим билан

ўзим бўлиб тинчгина юракотмасдим, — Пузикованинг чеҳрасида жонланш пайдо бўлади. — Мактабда ҳам, уйда ҳам ҳаммиша бирор «ғалвани» бошлаб қолардим. Тарки одат — амри маҳол экан. Заводга келганимда шу жиҳатимни тез илгаб, турли жамоат ишларига жалб қила бошладим. Елкамдаги «юклар» ортиб боргани сари ғайратим ошарди...

Мана шу фазилати тўғриси у ҳамкасбларининг хурмат-эътиборини қозонди. Ниҳоят, ишчилар цех касабаси ташкилотларининг етакчилигига унинг номзодини кўрсатишди. Ремонт-механика ишлаб чиқариши корхонанинг йирик бўлиналарида бири, унинг учта цехида 350 га яқин киши меҳнат қилади.

— Ҳар бир киши — бир дунё, — дейди Надежда Ивановна ўйчан. — Бунинг илғаш, ҳатто саломлашайганимда ҳам бунинг унутмаслик муҳим. Чунки биргина кўз қараш, уринсиз айтилган бир оғиз сўз кишининг кўнгилини қўктириб, умидларини чилдартин қилиб юбориши ҳеч гап эмас.

Мана, цех бошлигининг ўринбосари Баҳодир Кўчқоровни олинг. Ишга қачон



келиб, қачон уйига қайтишини ҳеч ким аниқ билмайди. Қачон кўрманг, ишлаб чиқариш жараёнларига боғлиқ бирор ташвиш билан юради. Касабаси етакчиси шу жиҳатини қарор қилиб, тутиши кераклигини Надежда Ивановна яхши ҳис қилади. Шу боис Кўчқоров меҳнат таътилини расмийлаштираётганида корхонанинг Оқтошда дам олдириш учун хар мавсумида 42 та урин ажратилади. Елиб-югуриб, «ҳақ-ноҳақ» ҳаракатлар билан 65-70 кишини соғломлаштиришга эришамиз. Бунинг шундай ташкил этамизки, бирор ишчи ёки хизматчи пансионатда дам олишга овлана бошласа, шу оила фарзандларига унинг ёнганасида жойлашган «Кимёгар» болалар оромгоҳига йўланма берамиз. Шунда ота-онанинг

гоҳда дам олиб қайтиди. — Бу рақамлар шунчаки ҳисоботларда жамланади, — дейди Пузикова қўлимсираб. — Лекин хар бир дам олувчининг фурсатини топшири, йўланмани шунга мослаштириш осонмас. Одатда бизнинг ишлаб чиқаришимизга ходимларни Оқтошда дам олдириш учун хар мавсумида 42 та урин ажратилади. Елиб-югуриб, «ҳақ-ноҳақ» ҳаракатлар билан 65-70 кишини соғломлаштиришга эришамиз. Бунинг шундай ташкил этамизки, бирор ишчи ёки хизматчи пансионатда дам олишга овлана бошласа, шу оила фарзандларига унинг ёнганасида жойлашган «Кимёгар» болалар оромгоҳига йўланма берамиз. Шунда ота-онанинг

кўнгили жойда тушади, хотиржам, мириқиб дам олади. Надежда Ивановна ўз фаолиятини кўп жиҳатларини ҳисобга олади. Бирор ишчи кўреладир қонилиб қолгани, уни суяш, бошқаси ноҳақ жабр чекаётгани, уни ҳимояга олиш, ҳақ-ҳуқуқини тиклаш, ҳалол, унумли меҳнат қилаётганларни муносиб тақдирлаш осондек туюлади. Аслини олганда хар бири бир муаммо. Бу ишларнинг орасида мураккаб жумбоқлари қанча.

— Шукрли, ремонт-механика ишлаб чиқаришининг раҳбари Асилбек Жеренов кўпни кўрган, бутун умри шу корхонада ўтаётган мулоҳазали, тажрибали инсон, — дейди Надежда Ивановна. — Нимаики муаммо туғилса,

Гоҳида бирор эҳтиёт қисм, ностандарт ускунани жуда қисқа мuddатда ясашга тўри келиб қолади. Шунда бутун оғирлик Абдурусуллов, Мошқалов, Жумадиллаев, Адралов, Зайтуллин сингари токар, йўнчи, темирчилар зиммасига тушади. Бундай пайтларда ҳеч ким вақт билан ҳисоблашиб ўтирмайди.

Ишчилар шунга яраша рағбат ҳам олишапти. Агар корхонанинг Хурмат хиббонини айлансангиз, шу ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган машинист Тамара Вундер, муҳандис Дилфуза Султонова, чилангар Анвар Исмаиловлар, оғир мудир Матлуба Аналиеваларнинг суратларига кўзингиз тушади.

Надежда Ивановна хар бир ишчи ёки уста ҳақида алоҳида-алоҳида илтиқ билан сўзлайди. Чунки уларни яхши билади, ўзи ҳам шу жамоада камол топди.

бамаслаҳат хал қиламиз. Ҳафта-ун кундан кейин кимё заводида бу ишлаб чиқариш ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлаймиз. Ҳозир шу тантанани тайёрлаяпмиз.

1946 йили Чирчиқ кимё заводида механика-йигв, қозон-пресс, куйиш цехлари ташкил этилди. Борабора янги техника ва технологиялар ишга туширилиб, йирик ремонт-механика ишлаб чиқариши шаклланди. И. Умаров, С. Подоспелов, М. Мелеченко, Х. Мухамедов, Э. Тожибоев, Б. Маганов ва бошқа кўпгина ходимлар шу меҳнат жамоасида камол топиб, йирик мутахассислар бўлиб етишишди.

Гоҳида бирор эҳтиёт қисм, ностандарт ускунани жуда қисқа мuddатда ясашга тўри келиб қолади. Шунда бутун оғирлик Абдурусуллов, Мошқалов, Жумадиллаев, Адралов, Зайтуллин сингари токар, йўнчи, темирчилар зиммасига тушади. Бундай пайтларда ҳеч ким вақт билан ҳисоблашиб ўтирмайди.

Ишчилар шунга яраша рағбат ҳам олишапти. Агар корхонанинг Хурмат хиббонини айлансангиз, шу ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган машинист Тамара Вундер, муҳандис Дилфуза Султонова, чилангар Анвар Исмаиловлар, оғир мудир Матлуба Аналиеваларнинг суратларига кўзингиз тушади.

Надежда Ивановна хар бир ишчи ёки уста ҳақида алоҳида-алоҳида илтиқ билан сўзлайди. Чунки уларни яхши билади, ўзи ҳам шу жамоада камол топди.

Саҳифа материалларини Ўзбекистон касабаси уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудир Эътиборхон РАҲМОНОВА ва «Тошкент ҳақиқати» муҳбири Жўра САЪДУЛЛАЕВЛАР тайёрлади.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

«МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ»

Охангарон шаҳрида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ташаббуси билан уюштирилган «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақаларида спорт соҳасида эришган ютуқлари билан ном қозонган «Гулистон» ва «Кўрғон» маҳаллалари ўзаро беллашишди. Баҳсларнинг биринчи босқичи «Охангароншифр» корхонасига қарашли дам олиш базасида ўтказилди. Кор ёғишига қарамай, кўп сонли муҳлислар кизикарли ва мурасасиз ўтган спорт шоуисига гувоҳ бўлишди.



Иштирокчилар бир неча хил автомобиль гондираниги тез гондиратиш, оғир тошни кўпроқ ушлаб туриш бўйича куч синашдилар. Мусобақаларнинг иккинчи босқичи санат колледжининг спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Жамоалар спортнинг арқонга тирмашиш чикиш, кўл жанги ва тахтага миҳ қоқиш каби миллий кўришилари бўйича беллашиб кўришди. Баҳслар кун бўйи давом этганига қарамай, муҳлислар катта кизикиш билан томоша қилишди. Қизгин ва мурасасиз ўтган баҳсларда ташаббус бир у бир бу томонга ўтиб турди. Яқуний натижаларга кўра ракибларидан устунлик қилган «Гулистон» маҳалласи зафар қучди. Ғолибларга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали тайёрлаган совғалар топширилди.



Табиат шундай мўъжизакорки, унинг сеҳрли, сирли, кўз игламас кўллари тошни гулга, гулни тошга айлантира олиш қудратига эга. Яшаш, яратиб иштиёқи ҳамиша кўнгилларга бахт ато этсин, сурур бахш этсин.

Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.

«Шўх»лиги учун институтдаги ишидан четлатилган Ширинбек Суҳанов уйда дилгир бўлиб ўтирган эди, хотини бирдангига қийқириб юборди: «Суюнчи беринг, дадажон, кизингиз тоғлиди!» Ширинбек ўрнидан туриб кетди. «Қаёқда санқиб юрган экан, дайди қиз?!» «Сўкинманг дадаси, қайсар кизингиз яна кетиб қолмасин. Эру хотин гал билан андармон бўлиб, қизларининг кирганини сезмай қолишди. Комета аввал онаси, кейин отаси ўлишди. «Вой, жонгинам, тўрт мучанг соғми, — йиғлаб кизини чўлп-чўлп ўпди она. — Бормисан, тиржимисан, аза очшимизга оз қолди-ку?» Ширинбек кизининг қўлидаги чақалоққа кўзи тушиб илжайди: «Ух-ўх, янги меҳмон муборак, қоратойни қаердан топдинг?» «Сюрприз, дедоласи, неваралик бўлдингиз!» «Сюрпризнинг нимаси, қаердан ортирдинг қораманганги, — жаҳланди она. Комета ўлини онасининг қўлидан юлиб олди: «Суюнчи бериш ўрнига теровчидай допрос қиласиза, тошюрак буваси?» «Бир йилдан бери қаерларда юрибсан, дайди ўлгур, қудирвериб, жоним озгимга келди-ку!» «Дунё бўйича розиск эълон қилдирдим, осмонга учиб кетганми?» — гапга

кўшилди ота. «Топдингиз, дадажон, қосмосга учиб кетган эдим, қўлим тоғлиб кетди, набирангизни олинг, ҳаммасини гапириб бераман. — Галир, беномус!» «Илтмос, ҳақорат қилинмасин, — деди Кометажон. — Йўқса, жавобгарликка тортиласиз. Милиция... Ширинбек кўли билан кизининг оғзини ёпди: «Шалтай, балтайни йиғиштир, гапир сирли воқеани!» «Ўзингиз киритиб қўйган хоржиж институтнинг битирув кечасида...» «Вой, институтни битирмай, жувонмарк бўлгур!» Ширинбек хотинига ўшқирди: «Хой, тавия, хал турасанми, йўқми? Давом эт, қизим. — Отелломни беринг, уйга қайтиб кетаман, — болага ёпишди Комета. — Хали, қоравойни оти Отелломни, тавия бўлмай бағола йўлиқсин, бурнини Қўқон арава босиб кетганими қорамундининг? Ширинбек тўполонни босиш учун лирик чекиниш қилди: «Жим бўлларинг, Пушкиннинг ҳам буваеси хабаш

бўлган, вақти келиб неварамиз улуг шоир бўлиб кетса ажабмас. Сочининг жингалаклигини қара. Қоралардан машхур одамлар кўп чиққан: Пушкиннинг бобоси Ганнибал генерал бўлган! курсиниг Жек менга севги изор қилди. «Ватанимга олиб кетаман, малика Дианадай ашайсан!» деди, рози бўлдим. Самолётга билет олиб қўйган экан, эртасига учдик, кетдик. — Эрсирмай жувон ўл, кейин нима бўлди? — Нима бўларди, учтўрт ой яши яшадик, кейин билсан, Жекни бошқа хотини бор экан, менга қарши уруш эълон қилди, паразитка! Кейин қабилалар ўртасида уруш бошланди. Давлат тўнтариши бўлди, шўрлик болам — Отелло етим бўлиб қолди. — Ажаб бўпти, хўп бўпти, — деди она чапак қилиб, — тиррик экансан, шунисига шукр қил. Ширинбек хаёл суриб, шафса сўқди: «Африка асрий уйқудан уйғонмоқда, Африка зули исқанжасидан озод бўлмоқда, имоним қомил, келажак Отеллолар қўлида! — Худого шукр, қизимиз топилди. Энди одамларга нима ваз қўрсатамиз, дадаси? Ширинбек захархандалик билан деди: «Қизимизни учар тарелкада келган йигит ўғирлаб кетган экан, бир фарангизимиз икита бўлиб қайтиб келди, ишонмасанлар, қоравой неварамиздан сўранлар, деймиш, хотин!» Абдулла ИСОМИДДИН.

«Сирли кўёв» (Фантастик ҳажви)



ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Тошкент вилояти ҳудудида қатновчи шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўловчи ташиш йўналишларини 2006 йил декабрь ва 2007 йил январь ойларида очик тендерда жойлаштириш

ЖАДВАЛИ

Table with 5 columns: T/P, Йўналиш рақами, Йўналиш тури, Йўналиш номи, Тендер ўтказилган сана. It lists various transport routes and their tender dates.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Дадабоева кўчаси, 64-уй. Мўлжал: «10-АР3» Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун тендер ўтказиладиган санадан 5 кун олдин буюртма беришлари лозим. Вилоят комиссияси тақлифларини тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин соат 17.00 гача қабул қилади.

Маълумот учун телефонлар: 399-79-67, 136-77-42.

НАВҚИРОН ЙИГИТГА КҮМАК КЕРАК

Жанояччи отган ўқ ўқса, умуртка суги ва бошқа аъзоларини жиддий жароҳатлаб, соғлом йигитни бир умрлик ногиронга айлантдири. Мана ун беш йилки, у ҳаёт учун курашди. Мамлакатимиз ва хоризмда энг замонавий тиббий марказларда малакали шифокорлар унинг соғлигини тиклаш учун беш мартаба жарроҳлик амалиётини бажаришди. Бекобод туманидаги Охунбобоев қишлоқ фуқаролар йиғини Сарюз маҳалласида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони 33 ёшли Худойназар Жумабобоев бугун саховатпеша инсонлар муруватига мухтож. Россия Медицина фанлари академиясининг Онкология маркази қошидаги «Нейро-Вит» неврология клиникаси мураккаб операцияни ўтказиши учун катта миқдорда маблағ зарур. Молиявий мадад бериши хоҳланганлар учун «Пахтабанк»нинг Зафар бўлими (МФО 00468)да 20206000999007968001-сонли ҳисоб рақами очилган. Саховатингизни дариг тутманг, азиз дўстлар!

«Об-ҳаво» Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 29 ноябрь кун Тошкентда ҳаво ўзағиб туради, қор ёғади. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда эсаётган шамол кучайиб, секундида 15-20 метрга етади. Кечаси 3 даража совуқ билан 1 даража илик, кундузи 1-3 даража илик бўлади. Тошкент вилоятида ҳаво ўзағиб туради, айрим жойларда кучли қор ёғади. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда эсаётган шамол кучайиб, секундида 15-20 метрга етади. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илик, кундузи 0-5 даража илик бўлади.

ЭЪЛОН!

Куйчирчиқ туманидаги «Ўзбекистон 5 йиллиги» тажриба ҳўжалиги (ОКПО 03936242) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги ПК-514-сонли Қарорига асосан фермер ҳўжалиқларига айлантирилмоқда. Давьолар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомидида Куйчирчиқ тумани, «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йиғини, Пахтазор маҳалласидаги собик ҳўжалик идорасида қабул қилинади. Фермер ҳўжалиги ташкил этиш истагини билдирганлар қайта ташкил этиш комиссиясига юқоридидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2006 йил 25 ноябрь 95-сонидида эълон қилинган Давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан сотилиши белгиланган 502-тартиб рақамли Охангарон тумани, Қорабоғсой қишлоғида жойлашган «Юлдузча» болалар соғломлаштириш оромгоҳи Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан сотувдан олинганлиги маълум қилинади.

Хамза туманидаги 145-ўрта мактаб томонидан 1991 йил 22 июнда Бухдали Самир Моҳамедович номига берилган А № 509419 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

Юнусобод туманидаги «DOBERMAN-SERVIS» хусусий корхонаси (ИНН 206407297) ТУГАТИЛАДИ. Давьолар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомидида 125-94-57 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖЛИК САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Давлат мулк қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси «Respublika Mulk-Auksioni» давлат унитар корхонаси билан ҳамкорликда барча маҳаллий ва хорижлик сармоядорларни, бошланғич баҳосининг ошиши ва сармоя киритиш мажбуриятлари олиниши тартибидида ўтказиладиган очик танлов савдоларига тақлиф этади. Танлов савдолари 2006 йил 29 декабрь кун соат 11.00 да Давлат мулк қўмитаси биносида ўтказилади. Танлов савдосига қуйидаги давлат объекти қўйилади:

Table with 5 columns: Корхона ёки объект номи, Жойлашган жойи (тум.шаҳ), Сотилаётган Давлат активининг тури (пай, улуш, акциялар пакети, тўлиқ мулк), Асосий шартлар, Савдо тури, Бошланғич баҳоси.

Танлов савдоларида қатнашишни хоҳланган сармоядорлар, савдо ўтказиладиган санадан қамиди уч кун олдин, ўз сармоявий тақлифлари (бизнес режалари) ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: 1. Танлов қатнашсининг талабномаси; 2. Тасвир ҳужжатлари нусхалари (хорижлик сармоядорлар — ҳужуқий шахслар учун Ўзбекистон Элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси тасдиқлаган тасвир ҳужжатлари нусхалари); 3. Сармоядор вакилига амалдаги қончилиқда белгиланган тар-

тибда тасдиқлаб берилган ишончнома; 4. Сармоядорнинг тўлов салоҳиятига эга эканлигини тасдиқловчи, хизмат кўрсатувчи банкнинг (ёки халқаро аудиторлик хизматининг) маълумотномаси; 5. Танлов савдоси объектига сармоядор тақлиф этаётган, унинг бошланғич баҳосидан кам бўлмаган маблағ миқдори (тақлиф баҳоси унинг бошланғич баҳосидан кам бўлса, у қўриб чиқилмайди); 6. Савдо якунари бўйича сармоядорга билдиришнома юборилиши учун зарур бўлган бошқа маълумотлар; 7. Савдода қатнашиш учун савдо объекти кўрсатилган ҳолда

закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси (конвертта солинамасдан шахсан тақдим этилади). Жисмоний шахслардан — паспорт нусхалари. Сармоя тақлифлари икки нусхада (асли ва нусхаси) конвертта солиниб маҳкамланган ва шахсий муҳрлари билан тасдиқланган ҳолда «10-сонли болалар боғчаси мулкий мажмуасининг танлов савдосига» ёзуви билан шахсан ваколатли вакил топшириши ёки почта хизмати орқали жўнатилиши мумкин. Хар бир сармоявий тақлиф ва унинг хар бир савдоси, шахсан ваколатли шахс томонидан имзолиниши лозим.

Шунингдек, 2006 йилнинг 29 декабрь кун соат 15.00 да Аукцион савдосига қуйидаги давлат объекти қўйилади:

Table with 5 columns: Корхона ёки объект номи, Жойлашган жойи (тум.шаҳ), Сотилаётган Давлат активининг тури (пай, улуш, акциялар пакети, тўлиқ мулк), Савдо тури, Бошланғич баҳоси (сўм).

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Икмониятингизни қўлдан бой берманг!

Очик танлов ва очик аукцион савдоларида иштирок этишни истаган юридик ва жисмоний шахслар объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизи миқдоридида «Respublika Mulk-Auksioni» давлат унитар корхонасининг «Узсаноатқурилишбанк» марказий амалиёт минтақавий филиалидаги МФО 00442, СТИР 206761326,

2021000804537599001 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари шарт. Танлов савдоларида иштирок этиш учун закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланғичидан 3 (уч) кун олдин, аукцион савдоларига аризаларни қабул қилиш эса бир кун олдин тўхтатилади.

Қўшимча маълумотлар учун «Respublika Mulk-Auksioni» давлат унитар корхонасига мурожаат қилишингиз мумкин. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 55-уй, 14-қават, 6-хона. Телефонлар: 139-21-03, 139-22-27, 139-21-20. Факс: 139-83-90.

Advertisement for 'TOHKENT HAQIQATI' newspaper, including contact information for the editor Abdushokidov and subscription details.